


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
МСЧЖ "Kafolat-Lyuks" аудиторлик
ташкilotи
Андижон шаҳри, 1-кичик даха 26 А
уй 14 хонадон.



REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ANDIJAN REGION
THE AUDITING FIRM
"KAFOLAT-LUX"
Andijan City, 1-region,

Хулосанинг асосий ва якуний қисми

Мен, МЧЖ шаклидаги "Kafolat-Lyuks" аудиторлик ташкilotи аудитори К.Т.Тургунов (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2015 йил 28 февралда берилган 05291-рақамли аудиторлик малака сертификатига эга) ўзаро тузилган шартномага асосан «Хўжаобод ПТЗ» акциядорлик жамиятининг 1-шакл "Баланс", 2-шакл "Молиявий натижалар тўғрисида" ги ҳисобот, 4-шакл "Пул оқимлари тўғрисида" ги ҳисобот, 5-шакл "Хусусий капитал тўғрисида" ги ҳисоботдан иборат 2016 йил молиявий ҳисоботларини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги: «Хўжаобод ПТЗ» акциядорлик жамиятининг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ 2016 йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботларининг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкilotининг жавобгарлиги: Берилган аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси учун аудит ташкilotи жавоб беради. Аудиторлик ташкilotининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз, «Хўжаобод ПТЗ» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.


Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий андозалари (АФМА) талабларига мувофиқ ўтказилди. АФМА молиявий ҳисоботларни жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражада ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаларимизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр: Бизнинг фикримиз бўйича, «Хўжаобод ПТЗ» акциядорлик жамиятининг 2016 йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ҳамда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Асл нусхаси ҳаққоний ҳисобланади


Берилган сана 2017 йил 20 апрел

МЧЖ шаклидаги "Kafolat-Lyuks"
аудиторлик ташкilotи
директори:



К.Тургунов

Андижон-2017 й

<p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МСЧJ “Kafolat-lyuks” аудиторлик ташкилоти Андижон шаҳри, 1-кичик даха 26 А уй 14 хонадон.</p>		<p>REPUBLIC OF UZBEKISTAN ANDIJAN REGION THE AUDITING FIRM “KAFOLAT-LUX” Andijan City, 1-region.</p>
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

«Хўжаобод ПТЗ» акциядорлик жамиятининг 2016 йил молиявий ҳисоботларини
аудиторлик текширувидан ўтказилиши юзасидан

**Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Текширилаётган корхона тўғрисидаги маълумотлар

Юридик манзили:

Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, Шахрихонсой ШФЙ, Кўтарма МФЙ 1 уй
ИНН-200 297 131

ОКОНХ-17111

Ҳисоб рақами 20210000300282278001 ОАТБ “Агробанк” Хўжаобод бўлими
(МФО-00049)

Телефон: 74-741-12-05

Аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар

Юридик манзили:

Андижон шаҳри, 1 кичик даха, Фуркат кўчаси 26а-уй 14 хонадон
ИНН-202 468 881

ОКОНХ-84400

Ҳисоб рақами 20208000203715469001, АТ “Халкбанки” Анд вил. амалиёт бўлими
(МФО-00649)

Телефон: Директор: +99891 360-19-73

Факс: 0 374 226-04-15, электрон почта: kafolat-lyuks@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 4 февраль куни
457-ракам билан давлат рўйхатидан ўтказилган

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 март куни
00315-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча хўжалик юритувчи
субъектларда аудиторлик текширувларини ўтказиш” бўйича лицензия берилган

Ташкилот директори Турғунов Кобулжон Турсунович 2015 йил 28 февралда
берилган 05291-ракамли аудиторлик малака сертификатига эга